



КИБЕРБУЛЛИНГ ҲАҚИДАГИ АЙРИМ ҚАРАШЛАР

Каримов Элмурод Салимжонович

Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси

Тел: 90 545-75-75 e-mail: edik75@inbox.ru

Аннотация: ушбу мақолада кибербуллингнинг келиб чиқиши, унинг ўзига хос бўлган жиҳатлари, инсон руҳиятига таъсири масалалари ҳамда уларни олдини олиш чоралари ҳақида фикрлар юритилди.

Калит сўзлар: ахборот, виртуалтаҳдид, кибербуллинг, интернет, вертуалолам, вебсайт, глобаллашув.

Аннотация: в данной статье рассматриваются происхождение кибербуллинга, его уникальные аспекты, вопросы воздействия на психику человека, а также меры по их предотвращению.

Ключевые слова: информация, виртуальная угроза, киберзапугивание, интернет, виртуальный мир, сайт, глобализация.

Abstract: this article discusses the origin of cyberbullying, its unique aspects, issues of impact on the human psyche, as well as measures to prevent them.

Key words: information, virtual threat, cyberbullying, internet, virtual world, website, globalization.

Сўнги йиллар давомида кибербуллинг ҳодисасига аниқлик киритиш мақсадида тадқиқотчилар томонидан уни ўрганиш, диагностика ва профилактика қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу ҳодисани ўрганишда ғарб мамлакатлари олимларининг ҳиссаси ўзига хосдир. Жумладан, АҚШлик психолог ва www.bullyng.org интернет-сайтининг асосчиси Билл Белсей биринчи бўлиб “кибербуллинг” атамасига изоҳ берган ва аниқлик киритган. Бундан ташқари, европалик олимлар, хусусан, Г. Берсоннинг тадқиқот ишларида рақамли технологиялар асрида янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши ўрганилган. К. Блайла эса, кибербуллингнинг ўқув даргоҳларидаги муҳитга таъсирини таҳлил



қилган. О. Иббара ўсмирларнинг депрессив ҳолатига Интернетдаги камситишларнинг таъсирини, С. Кит ва М. Мартинлар Интернетда хулқ-атвор маданиятини белгилаш масалаларини, Р. Дик эса ушбу ҳодисани компьютер жинойтчилиги кесимида тадқиқ қилган⁸.

Шу ўринда “кибербуллинг” атамасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу термин юқорида айтиб ўтганимиздек, канадалик педагог олим Билл Белсей томонидан биринчи бўлиб илмий доирага олиб кирилган. Б. Белсей ушбу ҳодисани қуйидагича таърифлайди: кибербуллинг – алоҳида шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан, ўзлари англаган ҳолда, ахборот ва коммуникация технологиялари воситасидан бошқа инсонлар руҳий ҳолатига доимий тарзда таъсир ўтказишдир. Лекин, баъзида кибербуллингни бирон-бир шахс ўзи билмаган ҳолда амалга ошириши мумкин. Кибербуллинг атамаси “буллинг” атамасидан келиб чиққан бўлиб, буллинг – “бирон инсонга нисбатан қаратилган жисмоний ва психологик босим ўтказиш мақсадида уни ўзига бўйсундириш ва манипуляция қилиш” деган маънони англатади⁹. Ушбу икки атама ўртасидаги фарқни кўрадиган бўлсак, кибербуллинг виртуал жамиятда содир бўлса, буллинг - ҳақиқий ҳаётда содир бўлади.

“Буллинг” атамасига аниқлик киритадиган бўлсак, тадқиқотчилар уни икки турга бўладилар: биринчиси бу бевосита буллинг бўлиб, асосан жисмоний тазйиқ ўтказишни, иккинчиси - билвосита буллинг ҳисобланиб, инсонга психологик босим ўтказишни назарда тутаяди. Тадқиқотчилар баъзида билвосита буллинг турини “ижтимоий агрессия” деб ҳам атайдилар¹⁰.

Ижтимоий агрессия турининг кўриниши қуйидагича ифодаланади: агрессор томонидан ўз ўлжасига турли хил ҳақоратли исмлар (лақаб)ни

қуйган ҳолда, унга доимий тарзда мурожаат қилиш;

⁸ Зинцова А. С. Социальная профилактика кибербуллинга // Вестник Нижегородского университета имени Н. И. Лобачевского. Серия: Социальные науки. 2014. No 3(35). С. 122-128.

⁹ Belsey B. Cyberbullying: An Emerging Threat to the «Always On» Generation URL: http://www.cyberbullying.ca/pdf/Cyberbullying_Article_by_Bill_Belsey.pdf.

¹⁰ <https://billbelsey.com/?p=1827>



масхара қилиш, ҳақоратли ёлғон маълумотларни тарқатиш, ножўя ва ахлоқсиз хатти-ҳаркаталар қилиш (масалан, қурбон учун атайлаб жисмоний тўсиқлар яратиш);

кўрқитиш (вербал ва новербал тарзда қурбонни ўзи истаган ҳаракатни содир этишга ундаш);

ажратиб қўйиш (ўлжа социумдан атайлаб ажратиб қўйилади ёки унга эътибор берилмай қўйилади);

товламачилик (бирор нарсани пул, егулик кабиларни ўғирлаш орқали таъмагарлик қилиш);

ўлжанинг мулкига зарар етказиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш (ўғрилик, талончилик, шахсий буюмларни беркитиб қўйиш);

мобил телефонлар, Интернет ва бошқа ахборот-технологиялари ёрдамида камситиш ва ҳақоратлаш (ҳақоратловчи расмлар ва бошқа маълумотларни юбориш, доимий тарзда қўнғироқ қилиш ва таҳдид солувчи SMS-хабарлар юбориш, ёлғон хабар ва маълумотлар тарқатиш кабилар).

“Кибербуллинг” тушунчасига бошқа бир тадқиқотчилар турлича ёндашганлар ва ўз фикрларини билдирганлар. Рус тадқиқотчи А.И. Черкасенко кибербуллингни агрессиянинг алоҳида йўналиши деб ҳисоблайди ҳамда ушбу ходиса “бир гуруҳ одамлар ва битта шахс томонидан доимий тарзда, тизимли, атайлаб содир этиладиган агрессия тури бўлиб, электрон шаклдаги ўзаро мулоқотдан фойдаланган ҳолда, ўзини ҳимоя қила олмаган ва ҳимоясиз бирон шахсга нисбатан йўналтирилган ходисадир” деб изоҳ берган. Унинг фикрича, кибербуллингнинг асосий мақсади – инсоннинг, яъни, кибербуллинг қаратилган шахснинг эмоционал соҳасини беқарорлаштириш ва ижтимоий алоқаларини бузишдир¹¹. Шу билан бирга, кибербуллинг ўзида суицидга олиб келувчи бир нечта хатти-ҳаракатларни -оддий ўйин-ҳазиллардан тортиб, психологик виртуал терроргача оид шаклини мужассам этади.

¹¹ С. Черкасенко // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии. – 2016. – № 6. – С. 52-54.



Ўз жонига қасд қилиш хатти-харакатларига олиб келиши мумкин бўлган хавф омилларини аниқлаш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш билан боғлиқ таҳлилларни йўналтириш ва хавф гуруҳларига аралашуш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Ўз жонига қасд қилишга уринишлар ва ўз жонига қасд қилиш жараёнининг сабаблари учун умумийтироф этилган сабаб ва тушунтиришлар мавжуд бўлмаса-да, турли омилларнинг таъсир этувчи роли ҳақида кенг мунозаралар мавжуд. Америка болалар ва ўсмирлар психиатрия академияси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ўз жонига қасд қилиш 15-24 ёшдаги болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўлимининг иккинчи асосий сабабидир. Ўз жонига қасд қилишга уринаётган болалар ва ўсмирларнинг аксарияти руҳий касалликларга, айниқса депрессияга эга.

Юқорида келтириб ўтилганларни инобатга олган ҳолда, кибербуллинг -буллинг ходисасининг мураккаб, кўп қиррали ва кенгқамровли кўринишидир. Кибербуллинг пайдо бўлиши ахборот-технологияларининг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳозирги замонавий дунёда Интернет инсонларнинг хулқини тарбиялашда, онгини, қарашларини, одатларини ҳамда истак-майилларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган ҳолда, ижтимоийлашув функциясини бажармоқда. Интернет фойдаланувчиларининг кўп қисми асосан ўсмирлар бўлиб, улар ўзларининг бўш вақтларини кўпинча ижтимоий тармоқларда ўтказадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўсмирларнинг ота-онаси ўз ёшлигида бундай имкониятлардан ва технологиялардан фойдаланмаганлиги сабабли, Интернет ва ундаги турли хил ижтимоий тармоқлар, масалан, “Facebook”, “odnoklassniki.ru”, “Instagram”, “vkontakte.ru” ва шу каби “telegram”, “whats up” мессенджерларини зарарсиз деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли, улар ўз фарзандларининг виртуал зўравонлик, яъни кибербуллинг қурбони бўлиб қолишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ўсмирлар кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказиши, ўзларига билинмаган ҳолда, кибербуллинг жабрланувчисига айланиш эҳтимолини кучайтиради.

Шу ўринда бошқа бир тадқиқотчилар кибербуллингни психологик зўравонлик шаклларида бири деб ҳисоблайдилар. Хусусан, баъзи тадқиқот таҳлиliga кўра, қуйидаги ўсмирлар кибербуллингнинг потенциал қурбони бўлиб ҳисобланади:



-оилада доимий зўравонлик қурбони бўлган ва натижада дунёни ҳамда ён-атрофидагиларни ўзига душман деб ҳисоблайдиган ўсмирлар, шунингдек, ўзидан кучлибўлган шахсларнинг қурбони бўлишига тайёр бўлиб, ўзлари ҳам ўзидан кучсиз бўлган шахсларга нисбатан агрессия қилиш эҳтимоли борлар;

-эътиборсизликка учраган, ташланган, эмоционал танг ва юз ўгирилган ҳамда ўзига атрофдагилардан етарлича меҳр олмаган ва натижада психологик жиҳатдан етук бўлмаган ўсмирлар;

-ёшлигидан унга нисбатан жисмоний куч ишлатган ҳолда бўйсундирилган ва натижада ўз фикрига эга бўлмаган ва “йўқ” дея олмайдиган ўсмирлар;

-психологик касалликларга чалинган ўсмирлар;

-ижтимоий кам таъминланган оилада улғайган ёшлар;

-ёшлигидан сардор бўлиб интилишга ҳаракат қилган ва ўз атрофдагилар ҳамда бегоналарга нисбатан кўра олмаслик ҳисси бўлган ўсмирлар ва бошқалар.

Рус мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари кибербуллингнинг ўсмир шахсига таъсирини аниқлашга ёрдам берди. Хусусан, замонавий илм-фанда эришилган натижаларга кўра, инсоннинг келиб чиқиши, яшаш жойи, миллати ва маданиятини ҳисобга олган ҳолда, инсонларда ўсмирлик ёши 11 ёшдан 18 ёшгача давом этиши белгиланган. Айнан ана шу ёш оралиғида инсонлар ва шу ёшдаги ўсмирларда ўзларига бўлган ишончнинг йўқлиги ва тўлиқлилик ҳисси бўлмаганлиги сабабли, улар бир-бирларига эмоционал тарзда тақлид қила оладилар ва шу ёшда улар орасида кибербуллинг содир бўлиши ҳолатлари кўп кузатилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зинцова А. С. Социальная профилактика кибербуллинга // Вестник Нижегородского университета имени Н. И. Лобачевского. Серия: Социальные науки. 2014. No 3(35). С. 122–128.



2. Belsey B. Cyberbullying: An Emerging Threat to the «Always On» Generation <http://www.cyberbullying.ca/pdf/Cyberbullying> Article by Bill Belsey. pdf.
3. <https://billbelsey.com/?p=1827>
4. С. Черкасенко // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии. – 2016. – № 6. – С. 52-54.